## РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

# РАҲБАР КАДРЛАРДАН ТАЛАБ КАТТА

### АКМАЛ ИКРОМОВ

Ҳисобот даврида район партия комитетининг тўққиз марта пленуми, икки марта партия-хўжалик активи йиғилиши, 52 марта бюро мажлиси бўлиб ўтди. Уларда район хўжалигини иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш, ташкилий-партиявий ва идеологик ишларни такомиллаштиришга оид 146 та масала муҳокама қилинди.

Қабул қилинган қарорлар асосида «Средазгазавтоматика» заводи, булка-кондитер комбинати, сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик комбинатининг 4-йигирув-тўқув фабрикаси каби корхоналар қуввати оширилди, уй-жой фонди кенгайтирилди.

Ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан қайта қуроллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳисобот даврида 38 та механизациялашган поток линия, 2,2 миллион сўмлик янги технологик ускуналар монтаж қилинди. Жорий этилган рационализаторлик таклифлари 151 минг сўмлик иқтисодий самара берди.

Ҳозирги кунда район меҳнаткашлари «КПСС XXVII съездига 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этмоқдалар. Конференция арафасида 1,5 минг ишчи беш йиллик, 30 ишчи эса икки беш йиллик плани бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Илғорлар ҳиссаси билан беш йиллик давомида планга қўшимча 17 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Конференцияда ҳисобот доклади қилган Акмал Икромов райони партия комитетининг биринчи секретари Т. Ҳ. Ҳайдаров эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга асосий эътиборни бажарилмай қолган вазифаларга, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга қаратди.

Ўтган давр мобайнида район саноатида асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати икки марта ошган бўлишига қарамай фонд самараси қарийб икки марта камайиб кетди. Шу сабабли 8 миллион сўмлик маҳсулот мўлжалдагидан кам ишлаб чиқарилди. Айниқса заргарлик заводида фондлардан самарасиз фойдаланилмоқда. Раҳбар кадрлар ўзларига ва ўзгаларга нисбатан талабчанликни сусайтириб юборганликлари учун планлар ўлда-жўлда қолиб кетаяпти. Бу ерда маҳсулот сифати ҳам пасайиб бораётганлиги, социалистик мулк талон-торож қилинаётганлиги конференцияда тилга олиб ўтилди. Мавжуд камчиликлар завод директори А. Каримов, партия комитети секретари А. Саматовга яхши маълум. Лекин улар мавжуд аҳволни кўра била туриб, таъсирчан чоралар кўрмаяптилар, камчиликлар билан ҳамон муроса қилиб келаяптилар.

— Йил бошида берилган катта-катта ваъдалар қандай бажарилаётганлиги мунтазам назорат остига олинмайди,— деди заргар Б. Султонов.— Район партия комитети саноат бўлими ходимлари корхонамизда камдан-кам бўлишади. Ташкилий-ишлар бўлими ходимлари эса фақат текшириш ўтказиш керак бўлганда келишади. Бу нотўғридир. Район партия комитети бўлимлари, сайлаб қўйилган активлар вақти-вақти билан меҳнат коллективларида бўлиб, мавжуд аҳвол билан чуқурроқ танишишлари, топширилган иш учун масъулиятни сезмаётган раҳбарларни тўғри йўлга солиб қўйишлари керак.

Ҳозир биз партиямизнинг съездолди ҳужжатларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдамиз. Муҳокама давомида партия Устави лойиҳасининг 1-бўлими «б» бандини **«ҳамма жойда сўз ва иш бирлигига эришиш зарур»** деган сўзлар билан тўлдиришни таклиф қилдик.

Конференцияда «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги камчиликлар ҳам қаттиқ танқид қилинди. Бу ерда кўплаб янги ускуналар омборларда занг босиб ётипти. Бирлашма раҳбарлари уларни тезроқ ўрнатиш ва фойдаланиш чораларини кўрмаяптилар. Бир қатор корхоналарда эса план интизоми қўпол равишда бузилмоқда. Уларнинг раҳбарлари турли йўллар билан планни камайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин район план комиссияси раиси З .Усмонов бундай уринишларнинг олдини олмаяпти, план интизомини мустаҳкамлаш чораларини кўрмаяпти. Талабчанликнинг сустлиги учун ҳам асосий фондларни ишга тушириш ўн ойлик плани 58,3 процентда қолиб кетди. Миллий музика асбоблари фабрикаси, «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхоналарда ҳам ой сайин план топшириқлари бажарилмай келяпти.

— Тикув машиналарининг ярмиси маънавий жиҳатдан эскирган,— деди «Чевар» бирлашмаси партия ташкилотининг секретари М. Муродова.— Бу масалада биз республика Маҳаллий саноат министрлиги, шаҳар маҳаллий саноат бошқармаси раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилдик. Лекин улар ускуналарни янгилашда кўмаклашишмаяпти. Шу боисдан турлар бўйича ҳам, ялпи товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича ҳам планлар бажарилмаяпти.

Қолоқликни тугатишда корхона раҳбарлари ва мутахассислари ҳам жон койитишлари керак. Бирлашмада янги техникани жорий этиш бўйича белгиланган тадбирларнинг каттагина қисми бажарилмай қолмоқда. Бунда бош инженер З. Акмалхонованинг ҳам айби бор. Партия комитети мажлисида бош инженер ҳисоботи тингланиб, унинг олдига аниқ вазифалар қўйилган эди. Лекин талаблар бажарилмади. Ўн ойлик план 93,6 процент бажарилди холос. Сифатсиз маҳсулотларига буюртмачилардан 26 та рекламация келди. Брак маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги учун корхона салкам 40 минг сўмлик жарима тўлади.

Тўғри, район партия комитети ҳисобот даврида сўз ва иш бирлигига риоя этмаётган ваъдабоз, ношуд раҳбарларга нисбатан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида тегишли чоралар кўрди. Сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, булка-кондитер комбинати, ошхоналар тресті каби бир қатор корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари янгиланди. Бошланғич партия ташкилотларида жанговарлик кўриги эълон қилинди. Ҳозир коммунистлар билан бўлаётган суҳбатлар чоғида хўжаликка партиявий раҳбарликни такомиллаштириш, ташкилий-партиявий ва идеологик ишларни янада кучайтириш юзасидан қимматли фикрлар билдирилмоқда. Музокарада сўзга чиққан булка-кондитер комбинати партия комитети секретари М. А. Волкова, рус тили ва адабиёти педагогика институти ректори, район партия комитети аъзоси Г. Н. Шчеглова ва бошқалар тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, кадрлар масъулиятини ошириш бўйича кўрилаётган тадбирларни маъқуллаб гапирдилар.

Ҳозир районда 109 та бошланғич, 93 та цех партия ташкилотлари, 99 та партия группаси фаолият кўрсатаяпти. Ҳисобот даврида коммунистлар сафи 191 кишига кенгайди. Иқтисодий ва маданий ҳаётга партиявий таъсир кучайди.

— Бу йил корхонамизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича кўрилган тадбирлар меҳнат унумдорлигини планга нисбатан бир процент ошириш, маҳсулот таннархини уч процент арзонлаштириш, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 8 процент кенгайтириш имконини берди,— деди сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Н. П. Сомова.— Цехларни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга 70 минг сўм сарфланди. Келаси беш йилликда бу рақам салкам 400 минг сўмликка етади. Ишлаб чиқариш ривожи кўп жиҳатдан партиявий раҳбарлик даражасига боғлиқдир. Шу боисдан биз КПСС Устави лойиҳасини ўқиб, унинг 55-бандини **«100 дан ортиқ партия аъзоларини бирлаштирган бошланғич партия ташкилотларида маош олиб ишлайдиган партия ходимлари лавозими белгиланади»** деган таҳрирда берилишини истар эдик. Шунда ишлаб чиқаришга партиявий раҳбарлик янада яхшиланган бўлар эди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси О. У. Салимов нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент шаҳар ва область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин иштирок этди.

* * *

Акмал Икромов район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. **Т. Ҳ. Ҳайдаров** район партия комитетининг биринчи секретари, **В. А. Чекмарев** район партия комитетининг иккинчи секретари, **Ш. Х. Шукурова** район партия комитетининг секретари этиб сайландилар.

**Ж. НОСИРОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ЮКСАК САВИЯДА БЎЛСИН

### ОКТЯБРЬ

Район меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга ошириш, партиямизнинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Барча коллективларда социалистик мусобақа тобора авж олаяпти. Улар ўн биринчи беш йиллик ва унинг якунловчи йили планларини муваффақиятли бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари партиянинг съездолди ҳужжатлари муҳокамаси туфайли вужудга келган юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини район экономикасининг барча тармоқларини ривожлантириш бўйича топшириқларнинг ҳамда юксак социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишига сафарбар этмоқдалар. Барча сиёсий ва ташкилотчилик ишлари ҳам шу мақсадга йўналтирилмоқда.

Ўн биринчи беш йиллик давомида саноат корхоналарини реконструкция қилиш ва техник қайта ускуналаш юзасидан тадбирлар комплекси амалга оширилди. Шу мақсадлар учун 24,3 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди. 4 мингтага яқин янги технологик асбоб-ускуналар ўрнатилди. Янги техника ва прогрессив технологияни жорий қилиш бўйича 400 дан ортиқ тадбир кўрилди. Бу беш йилликда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни 25,2 процент, яъни беш йиллик топшириғида назарда тутилганидан 5,4 процент ошириш имконини берди. Пландагидан ташқари 6 миллион сўмлик шундай буюмлар ишлаб чиқарилди. Капитал қурилиши, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтиришда ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди.

Бундай муваффақиятларга экономикага партия раҳбарлигини такомиллаштириш, оммавий, социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдириш, КПСС XXVII съезди шарафига зарбдор ўн кунликлар шиори остида бошланган ватанпарварлик ҳаракатини кенг оммалаштириш, партия ташкилотларининг Ўзбекистон Компартияси XVI пленуми кўрсатмалари асосида ҳамма жойда уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаши, меҳнаткашларнинг сиёсий активлигини оширишлари туфайли эришилди. Бошқа омиллар қатори давлат планларининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш юзасидан олиб борилган ташкилий-тарбиявий, ғоявий-сиёсий, оммавий-тушунтириш ишларининг аҳамияти ҳам катта бўлди. Кўпчилик партия ташкилотларининг идеологик фаолияти самараси анча ортди, социал-иқтисодий вазифаларни амалга ошириш билан алоқаси янада мустаҳкамланди.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари партия ўқуви ва иқтисодий таълим ролини ошириш, уларнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш, коммунистлар, барча меҳнаткашларни ғоявий чиниқтиришни кучайтиришга қаратилган кўпгина чораларни кўрдилар. Бунинг натижасида ишчи-хизматчилар партиямиз иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларини чуқур тушунадиган, меҳнат унумдорлигини ошириш, материал ва ишчи кучи ресурсларини тежаш имконини берадиган резервларни кўпроқ ишга соладиган, ўзларининг сиёсий онглари ва билим даражаларини ошириб бориш билан мунтазам шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Меҳнат коллективларида ишлаб чиқариш муҳити сезиларли даражада яхшиланди. Идеология ишлари «Средазгипроводхлопок», «Ташгипрогор» институтлари, «Малика» трикотаж, кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмаларида, «Средазэнергоцветмет», Тошкент метрополитени ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотларда сезиларли даражада жонланди.

Лекин конференцияда ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари О. Ҳ. Асқаров ва музокараларда сўзга чиққан «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Г. А. Григорьян, Тошкент метрополитенининг электровоз машинисти Х. Н. Ҳасанов, кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори С. К. Саидкаримов, республика «Билим» жамияти бошланғич партия ташкилотининг секретари Г. Ф. Сосновская, район прокурори М. Н. Шарафитдинов ва бошқа нотиқлар шуни таъкидладиларки, экономикага раҳбарликдаги, шу жумладан идеология ишларини олиб боришдаги камчиликлар район меҳнаткашлари меҳнат муваффақиятларининг янада салмоқли бўлишига салбий таъсир кўрсатди. Бу муҳим ишнинг савияси ҳали партиямиз XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь ва 1985 йил апрель Пленумлари талаблари даражасида эмас.

Ҳозирги вақтда сиёсий ўқувнинг барча тармоқлари машғулотларида 17 минг нафардан ортиқ киши қатнашмоқда. Бироқ кўп ҳолларда машғулотларнинг ғоявий мазмуни кўнгилдагидек бўлмаяпти. Кўн-мўйна заводи, театр жамияти саноат комбинати, махсус юридик консультация, Мебель саноати министрлиги партия ташкилотларида сиёсий ўқув расмиятчилик учунгина ташкил этилган, машғулотларнинг ўтмай қолиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бунинг устига тингловчилар машғулотларда актив қатнашмайдилар. Назарий қоидалар ҳар доим ҳам амалиёт билан, коллективларнинг ишлаб чиқариш фаолиятлари билан, коммунистик дунёқарашни шакллантириш вазифалари билан боғлаб олиб борилмайди.

Бу қатор корхоналар ва ташкилотларда давлат планлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатининг оширилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. 10-босмахона, кўн-мўйна заводи, «Таштрансспецстрой» тресті ишлаб чиқариш коллективларининг фаолиятлари кўрсаткичларининг пастлиги кўп жиҳатдан уларда марксча-ленинча ўқув ва иқтисодий таълим қониқарсиз ташкил этилганлиги билан боғлиқдир.

Идеология ишига комплекс муносабатда бўлишни таъминлаш шу куннинг талабидир. Шунинг учун ҳам конференцияда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларини ҳал қилишга партия, давлат, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратини бирлаштириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳисобот докладида ва музокараларда қатнашган нотиқларнинг сўзларида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал қилишда меҳнат коллективлари катта роль ўйнаши, кишиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолияти худди шу коллективда ўтиши, партия планлари бевосита ана шу кишилар томонидан амалга оширилиши қайд қилиниб, бу муҳим омилдан ҳар томонлама кенг фойдаланиш лозимлиги алоҳида уқтирилди. Аксарият кўпчилик партия ташкилотлари ўзларининг тарбиявий ишларида меҳнат коллективларига суянмоқдалар. Лекин уларнинг кучини тўғри баҳолай олмаётган корхоналар раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Шу жиҳатдан кўн-мўйна заводи, 10-босмахона, «Ташинжстрой» ва 1-«Чимганстрой» қурилиш трестлари, «Таштрансспецстрой» тресті партия ташкилоти ва хўжалик раҳбарлари танқид қилиндилар.

Конференцияда таъкидланганидек, район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари кўп қиррали фаолиятлари қатори идеология ишини ҳам шу куннинг юксак талаблари даражасига кўтаришлари лозим.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди, район партия комитети, район партия ташкилотининг ревизия комиссияси, Тошкент шаҳар ва Тошкент область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари А. В. Гончарова иштирок этди.

* * *

Октябрь район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда **О. Ҳ. Асқаров** район партия комитетининг биринчи секретари, **А. Е. Викторов** район партия комитетининг иккинчи секретари, **Х. С. Отаматова** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

**М. МИРҲАМИДОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# ҚУЙИ ТАШКИЛОТЛАРГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

### ПИСКЕНТ

Район партия комитети ташкилий, хўжалик ва сиёсий-тарбиявий ишларни янги талаблар асосида ташкил этишга, партиявий иш услуби ва методини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Эндиликда у ўз функциясини чуқур ҳис этмоқда, асосий эътиборни бошланғич партия ташкилотлари олдида турган вазифаларни комплекс ҳал этишга, кадрлар тарбиясига, коммунистлар активлигини оширишга қаратмоқда. Хўжалик ишларини идеологик жиҳатдан таъминлаш чораларини кўрмоқда.

Район партия комитети бошланғич партия ташкилотлари чорва қишлови даврида ферма ходимлари, механизаторлар, мутахассислар ўртасида олиб бориладиган ташкилий-сиёсий тадбирларни ишлаб чиқди. Шу масала юзасидан бошланғич ва цех партия ташкилотлари секретарларининг семинари ташкил этилди.

Ишлаб чиқаришга партиявий таъсир кучайиб бормоқда. Жамоат ташкилотларига раҳбарлик даражаси ортмоқда. Жойларда тузилган депутатлик постлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари халқ контроли группалари фаолияти активлашмоқда.

Партиявий иш услуби ва методи такомиллашган сари хўжалик вазифаларини ҳал этиш енгил кўчмоқда. Бу йил жуда кўп пахтачилик бригадалари гектар бошига 35 центнердан ошириб ҳосил олдилар. «КПСС XXVI съезди» совхозидан «Оқ олтин» мукофотининг лауреати Очил Абдуллаев, Охунбобоев номли совхоздан Меҳнат Қизил Байроқ орденли Норинбой Ҳасанбоев, «Пискент» совхозидан Бойзоқ Хожиев, «Гулистон» колхозидан Иброҳим Ҳайдаров каби уста пахтакорлар бошлиқ коллективлар ажойиб зафарларни қўлга киритдилар. Уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли пахта тайёрлаш бўйича план ва социалистик мажбурият зиёдаси билан адо этилди. Она-Ватан хирмонига 45 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топширилди.

Лекин ҳали ҳам бор имкониятларнинг ҳаммаси тўла ишга солинмаяпти. Юқори ҳосил учун курашда барча хўжаликлар резервлардан унумли фойдаландилар, фан ва техника ютуқлари, илғор тажрибалар ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этилди деб бўлмайди. Район партия комитети, барча раҳбарлар, мутахассислар эътиборини бу масалаларга кенг жалб эта олмади. Масалан, бригада пудратини жорий этиш бўйича тузилган тадбирлар тўла бажарилмади. Бу соҳада конкрет ишлар ўрнига умумий гаплар билан овора бўлиб қолинди. Натижада меҳнатни янгича усулда ташкил этиш асосан деҳқончиликда жорий этилиб, чорвачиликда умуман қўлланилмади. Айниқса, Тельман номли, Ленин номли, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларида бригада пудрати секинлик билан жорий этилмоқда. Айрим хўжаликларда нарядсиз бригадалар номигагина тузилган.

— Ҳисобот даврида,— дейди конференцияда доклад қилган район партия комитетининг биринчи секретари У. Я. Баҳодиров,—бошланғич партия ташкилоти устидан назорат кучайди. Район партия комитети қуйи ташкилотларга яна ҳам яқинлашди. Инструкторларнинг бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорлигида янгича форма қарор топди. Улар бевосита хўжаликларда бўлиб, комплекс текширувлар ўтказмоқдалар, амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Доклад юзасидан музокарага чиққан Охунбобоев номли колхоз партия комитетининг секретари Н. Абулқосимов КПСС Устави талабларига қандай риоя этилаётганлигини мунтазам текшириб бориш, КПСС сафини ишлаб чиқариш илғорлари, комсомол-ёшлар ҳисобига ўстириб бориш, кандидатлик муддатининг тарбиявий ролини ошириш кераклигини уқтирди.

— Баъзан бу борада шошма-шошарликка йўл қўямиз,— деди у.— Рекомендация беришда партияга кирувчиларнинг сиёсий етуклиги, ишчанлик қобилияти, хулқ-атвори етарли даражада ўрганилмайди.

Ленин номли колхоз агроном-энтомологи Руслан Кимнинг партия аъзолигига кандидатликка қабул қилиниши учун уч коммунист рекомендация берди. Улар орасида хўжалик партия ташкилоти секретари М. Ҳамроев ҳам бор эди. Рекомендацияда Р. Ким ишчан, ташкилотчи, жамоат ишларида актив деб кўкларга кўтарилган эди. Амалда эса у шундай одам бўлиб чиқмади. У партия Уставининг 16-бандида қўйилган талабларга жавоб бера олмади. Шундан сўнг у КПСС сафига қабул қилинмади.

«Пискент» совхози партия ташкилотида ҳам шундай ҳол юз берди. Ишчи С. Аҳмедова КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди-ю, кейин у билан алоқа узилди. Рекомендация берган коммунист ҳам, совхоз партия комитети ҳам С. Аҳмедова тақдири билан қизиқмадилар. Конференцияда шунга ўхшаш фактлар қаттиқ танқид қилинди.

Конференцияда сўзга чиққан «Гулистон» колхози раиси И. Ҳайдаров делегатлар эътиборини ишлаб чиқаришга партиявий раҳбарликни янада кучайтиришга қаратди.

— Пахта толасига қараб ҳақ тўлаш системаси колхоз экономикасини мустаҳкамлашга катта ёрдам бермоқда,— деди у.— Энди бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш ҳақида ўйлаш керак. Масалан, хўжалик пахтаси заводга топширилгач, илгариги тартибдан фарқли ўлароқ ўз пахтамизни назорат қилиб туришимиз керак. Унга икки тарозибон ва уч назоратчи банд бўлади. Навбат пахталарни ишлашга келганда завод одам сўрайди. Хуллас, беш киши куздан ёзгача заводда банд бўлади. Менимча бу ишни тартибга солиш керак. Ишчи кучини иқтисод қилиш йўлларини қидириб топиш лозим.

Доклад юзасидан музокараларда сўзга чиққан Вахрушев номли совхоз партия ташкилоти секретари Л/ Романкова, «Пискент» пахта тозалаш заводи партия ташкилоти секретари М. Нуриддинов, «КПСС XXVI съезди» совхози ишчиси У. Туроораева, район халқ маорифи бўлими катта инспектори М. Сергеева ва бошқа делегатлар КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари хусусида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Партиявий иш усулларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга партиявий раҳбарликни яхшилаш, бошланғич партия ташкилотларининг . жанговорлигини таъминлаш, партия сафларини ўстириш, сифат жиҳатдан мустаҳкамлаш масалаларига тўхталдилар.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Пискент район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. **У. Я. Баҳодиров** район партия комитетининг биринчи секретари, **В. В. Амелин** район партия комитетининг иккинчи секретари, **М. О. Ҳайдарова** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

**Б. ПУЛАТОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# ИМКОНИЯТЛАРНИ ТЎЛА ИШГА СОЛАЙЛИК

### ТОШКЕНТ

Район саноат корхоналарининг меҳнаткашлари октябрь ойидаёқ беш йиллик планни, конференция арафасида эса маҳсулот реализацияси бўйича йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт беришди. Ўн биринчи беш йилликда топшириқдагидан 2 миллион сўмдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Кенг миқёсда социал тадбирлар амалга оширилди. 17 минг квадрат метрдан ортиқ турар-жой бунёд этилди. Бу — беш йиллик топшириғида белгиланганидан 9,7 минг квадрат метр кўп демакдир. Шунингдек, 4700 ўринли мактаб, 5700 ўринли мактабгача тарбия муассасалари фойдаланишга топширилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида идеология ишининг форма ва мазмунини бойитиш, уни ҳаёт билан алоқасини яхшилаш юзасидан изланишлар олиб борилди. Ана шулар ҳақида конференцияда ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари А. Тўрахонов ва сўзга чиққан делегатлар муфассал тўхталдилар.

Нотиқлар район аҳолисининг фаровонлигини, маданиятини ошириш, экономикасини юксалтириш учун мавжуд имконият ва резервлардан тўла фойдаланилмаётганлигини таъкидладилар. Район партия комитетининг иш услуби ва методи. унинг раҳбарлик даражаси ҳали бугунги кун талабларига тўла жавоб бермайди. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари меҳнат коллективларида план ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун кескин кураш, юқори талабчанлик ва масъулият муҳитини ярата олмадилар. Бунинг натижасида Абдураҳмонов номли совхоз-завод, Келес автотранспорт корхонаси, «Средазсельхозмаш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари қатор ташкилотлар бир неча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планларини бажара олмаяптилар.

Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг бош вазифаси Тошкент шаҳри аҳолисини йил давомида узлуксиз турли хил сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб туришдан иборатдир. Республика партия ва ҳукуматининг «Тошкент шаҳри аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлашни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори район агросаноат комплекси барча тармоқлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Конференция делегатлари эришилган ижобий натижаларга қарамай, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бу етакчи тармоқдаги аҳвол беш йилликда жуда тиғиз бўлиб қолаётганлигини таъкидладилар. Буни якунланаётган йил факт ва рақамлари тасдиқлаб турибди. Камчиликларнинг юз беришига асосий сабаб деҳқончилик маданиятининг пастлиги, фан ва техника ютуқларига етарли эътибор бермаслик инсон омилидан яхши фойдаланмасликдадир. Ҳозир қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига сарфланаётган ҳар бир сўмдан бор-йўғи 71 тийин самара олинмоқда. План ва социалистик мажбуриятлар бажарилаётган бўлса ҳам хўжаликлар иқтисодий жиҳатдан заиф бўлиб қолмоқда. Улар орасида Ленин номли, Ильич номли колхозлар, «Тошкент» совхози бор. Бу хўжаликларда беш йиллик ичида меҳнат унумдорлиги аввалги беш йиллик даражасидан ортгани йўқ. Жумладан, Охунбобоев номли колхозда сабзидан 208 центнердан ҳосил олинаётган бўлса, «Тошкент», «Ленинград» совхозларида бу кўрсаткич қарийб 2—2,5 баравар камдир. Картошка етиштиришда ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин. Карл Маркс номли колхоз деҳқонлари гектаридан 151 центнердан ҳосил йиғиштириб олган бўлсалар, юқоридаги икки совхозда ҳосилдорлик 100 центнерга етар-етмас бўлди.

Ўзларига ишониб топширилган коллективларда раҳбарлик қилишга жиддий хатоларга йўл қўйган, давлат планларини бажара олмаган бир қатор хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар, бригадирлар шаънига кескин танқидий гаплар айтилди. Улар орасида хўжаликлараро бўрдоқичилик корхонасининг собиқ директори Маҳмудов, Навоий номли колхознинг собиқ раиси Латипов, Абдураҳмонов номли «Ленинград» совхозларининг бош мутахассислари, бригада бошлиқлари бор.

— Масъулиятни ҳис этолмаётган, ўз бурчларига лоқайд қараган кишилар медицина ходимлари орасида ҳам учрайди, — деди район марказий шифохонаси медицина ҳамшираси Л. Икромова. — Жумладан, Киров врачлик амбулаторияси бош врачи коммунист Х. Саримсоқов, район марказий шифохонасининг поликлиника бўлим бошлиғи М. Эрматова ва Ленин колхози врачлик амбулаторияси бош врачи Мусашайховлар шулар жумласидандир. Беморларга медицина хизмати кўрсатишда катта камчиликларга йўл қўйган бу шахслар партиявий ва маъмурий йўл билан қаттиқ жазоландилар.

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси М. Исоқова ўз нутқида чорвачиликдаги қўшиб ёзишларга барҳам бериш, унинг ўрнига мавжуд резервларни ишга солиш, сут соғувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришни талаб қилди. Тартиб ва интизомни яхшилаш, иш маданиятини ошириш ҳақиқатан меҳнат унумдорлигини юксалтиришнинг катта резерви эканлигини делегатлардан М. Мирзаев, Т. Турсунов, М. Глушенкова, Р. Акбаровлар ҳам таъкидладилар.

— Ўн биринчи беш йиллик планларини 3.5 йилдаёқ адо этдик. Шаҳарликларга 8890 тонна сархил сабзавот етказиб бердик, — дейди «Ленин йўли» колхози теплица комбинатининг лаборатория мудири Раъно Бўронова. — Ютуқларимиз бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Лекин бизда меҳнат интизоми талаб даражасида эмас. Ишчилар асосан тушликкача меҳнат қилиб, сўнг кетиб қолишади. Нега шундай? Бу билан теплицадаги цех партия ташкилоти қизиқмайди. Теплица меҳнаткашлари учун етарли ғамхўрлик кўрсатилмаяпти. Ўз кутубхонамизга эга бўлсакда, у ерга кириб ҳеч ким мутоала қилмайди. Чунки янги нашр этилаётган адабиётлар ҳисобига кутубхона бойитилмайди. Ишчилар учун кино, концерт программалари ташкил этиш ҳақида ҳеч ким ўйламайди. 10 гектардан ортиқ майдонга эга комбинатимизда озмунча одам ишламайди. Улар учун шу ернинг ўзида дорихона очиш катта муаммо эмас-ку?!

Район комсомол комитетининг биринчи секретари М. Ғозиев КПСС янги таҳрирдаги Программасида Бутуниттифоқ Ленинчи Ёшлар Союзини кўп миллионли ижтимоий-сиёсий ташкилот сифатида таърифланганлиги хусусида тўхталиб, лойиҳани ВЛКСМ вазифалари ҳақидаги қуйидаги тушунтириш билан тўлдиришни таклиф этди: **«ВЛКСМ ёшларга ва ёшларнинг оммавий-сиёсий ташкилотларига сиёсий раҳбарликни амалга оширади».**

Конференцияда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. К. Михайлов сўзлади.

Конференция район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составларини, область партия конференциясига делегатлар сайлади.

Конференция ишида Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқулов қатнашди.

* * *

Тошкент район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. **А. Т. Тўрахонов** район партия комитетининг биринчи секретари, **В. В. Шамугия** район партия комитетининг иккинчи секретари, **Х. С. Сайдалиева** район партия комитетининг секретари этиб сайландилар.

**С. МУСАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

